

Мусурмон Бойхонов

**ҚАЛБИМДА
ЎЧМАС ИЗ
ҚОЛДИРГАН
КУНЛАР**



Мусурмон Бойхонов

ҚАЛБИМДА
ЎЧМАС ИЗ
ҚОЛДИРГАН
КУНЛАР




РИЯЗАТ АБЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК:

КБК:

Б –

Бойхонов, Мусурмон

Қалбимда ўчмас из қолдирган кунлар. Мусурмон
Бойхонов. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. – 76 б.

ISBN 978-9943-27-

Бугун, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик қутлуғ байрами арафасида беихтиёр ортга назар ташлаб, тарихан қисқа муддатда асрларга тенг йўлни босиб ўтганимиздан, истиқлол даврида қўлга киритган улкан ютуқларимиздан қалбимиз ғурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Аmmo бугунги ёруғ кунларга етиб келгунга қадар халқимиз қандай машаққатли ва оғир кунларни бошидан кечиргани, мустабид совет тузумининг зулм ва зўравонликларидан азоб ва уқубат чеккани, юртимиз собиқ Марказга хомашё етказиб берадиган қолоқ ўлкага айланиб қолгани, айниқса, “ўзбеклар иши”, “пахта иши” деган қатағонлар авжга чиқиб, эл-юрт мислсиз хўрлик ва ҳақоратларга гирифтор қилинганини ҳам сира унутиб бўлмайди.

Қўлингиздаги ушбу китобда 1986-1989 йилларда Президент Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолияти, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан кескин муаммолар гирдобида қолган вилоятнинг қадини тиклаб, уни ривожланиш йўлига олиб чиққани, ушбу воҳада адолатни жойига қўйиш, одамларга тоғдек таянч бўлиш ва уларнинг руҳи, кайфиятини кўтариш борасидаги мардона қурашлари ҳақида ўша давр воқеаларига бевосита гувоҳ бўлган муаллифнинг ҳаётий хотиралари асосида жонли тилда хикоя қилинади.

УЎК:

КБК:

ISBN 978-9943-27-

© Мусурмон Бойхонов, «Қалбимда ўчмас из қолдирган кунлар», «Янги аср авлоди». 2016 йил.

**Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг
йигирма беш йиллигига
бағишлайман**

СЎЗБОШИ

Бўлиб ўтган ўша воқеалардан, мана, роппа-роса ўттиз йил вақт ўтиб, ёшим етмишдан ошганида, виждоним амри билан мухтарам Юртбошимизнинг оддийгина сафдоши сифатида шу улуг инсон билан бирга бўлиб, бевосита Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида ўзим гувоҳи бўлган айрим воқеа ва ҳодисаларни ҳеч бир муболағасиз, қандай содир бўлган бўлса, шундайлигича юртдошларимга етказишни ўзимнинг бурчим деб билдим.

Тўғри, мен ёзувчи ёки журналист эмасман. Аммо ўша йилларда кўрганларим, хотираларимни қоғозга туширишга жазм этдим. Тарих ва келажак, Ватанимиз ва халқимиз, қолаверса, ёш авлод олдидаги инсонийлик ва фуқаролик бурчим қўлимга қалам олишга ундади.

Айтишим керакки, Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятидаги фаолияти билан боғлиқ айрим хотираларим бундан 13 йил олдин нашр этилган, тарихчи олим, таниқли публицист Поён Равшановнинг “Қашқадарё: истиқлол арафасида. 1986-1989 йиллар” номли китобидан ҳам қисқа тарзда

жой олган эди. Аммо кураш, яратиш, адолатни жойига қўйиш туйғуси билан тўла у жўшқин даврни ўтган вақт мобайнида кўз ўнгимдан яна бир-бир ўтказиб, ўша хотираларимни кенгроқ ва батафсилроқ ҳолда ёзишни лозим деб топдим.

Биз, кашқадарёлик хўжалик раҳбарлари – барчамиз ўша даврларда Ислом Абдуганиевичнинг етакчилик қобилияти, камтарлиги ва ғайратига қойил қолганмиз.

Тўғрисини тан олиб айтсам, Ислом ака бизни қўллаб-қувватлагани, керак пайтда ҳимоя қилгани туфайли қандай ишга қўл урган бўлсак, у киши ёнимизда қараб тургандек, виждонан ишладик. Шу сабабдан ҳам Қашқадарё вилоятининг ўша даврдаги раҳбарлари Ислом акадан куч-қувват олиб, ҳалол меҳнат қилди ва қўллаб хўжаликлар инқироздан олиб чиқилди. Ўша оғир дамларда эл-юрт манфаати йўлида кўп қатори бизнинг ҳам хизматимиз асқотганидан фахрларга тўлиб яшаймиз.

Ислом Каримов – қалби меҳрга тўла, бағрикенг инсон. Шу сабабдан ҳам халқ дарди билан яшайдиган, ишлайдиган, ният-мақсади тоза ва пок ҳар бир кадрни бутун борлиғи билан ҳимоя қилган, қўллаб-қувватлаган. Ёш мутахассиснинг безавол ўсиб, камол топишида вақтини, маслаҳатини ҳеч қачон аямаган. Мен ўз ҳаётимда шу меҳрдан неча бор баҳраманд бўлганман.

Бу фикримга мисол келтирадиган бўлсам, Ислом Абдуғаниевич биргина менинг ўзимни уч марта райком секретарининг ғаразли ниятидан, бир неча марта тухмат балосидан – аризачиларнинг “юмалоқ хати”дан асраб қолган эди.

Ислом аканинг назарига тушган, у кишининг ҳурматиغا сазовор бўлган, ўша давр қийинчиликларини баҳам кўрган Чирокчи туманидаги Охунбобоев совхози директори Ўрол Жуманов (марҳум), Файзулла Хўжаев номидаги совхоз директори Ашир Бердиқулов (марҳум), Ильич совхози директори Абдурахмон Жўрақулов (марҳум), “Кўкда-ла” совхозининг директори Абдин Турдиев (марҳум), “Қалқама” совхозининг директори Бекмурод Боймуродов (нафақада), “Коммуна” колхозининг раиси Хушвақт Хуррамов (нафақада) Ислом ака раҳбарлигида қилган меҳнатлари эвазига эл-юрт меҳрига сазовор бўлиб, хотиржам яшадилар, айримлари ҳозир ҳам иззат-ҳурматда ҳаёт кечирмоқдалар.

Орадан шунча йиллар ўтиб бир нарса-ни тан олиб айтмоқчиман: Ислом Абдуғаниевич мамлакатимиздагина эмас, балки Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари ичида ҳам биринчи бўлиб шўролар тузумининг инқирозга юз тутганини, энди эскича усулда ишлаш ва яшаш мумкин эмаслигини англаб етган, қишлоқ хўжалигида колхоз ва совхозлар орқали оддий халқнинг косаси оқармаслигини англаган, унинг ўрнига

янги ишлаб чиқариш усулини жорий қилиш зарур деган қатъий хулосага келган эди. Шу боисдан республикада биринчи бўлиб Қашқадарёда биз учун мутлақо янги бўлган пудрат асосида ишлаш ва чек тизимига ўтиш жорий қилинди. Вилоят раҳбари томонидан иқтисодиёти бутунлай издан чиққан Қашқадарёни қандай қилиб инкироздан олиб чиқиш йўллари хўжалик раҳбарларининг онгу шуурига етиб борадиган қилиб тушунтирилган эди.

Ислом Абдуғаниевич Қашқадарёда иш бошлаган дастлабки кунларданок вилоятнинг барча раҳбар ходимларини эртанги кунни, келажакни ўйлаб яшаш ва меҳнат қилишга даъват этди. Бунга сабаб вилоятда хўжалик раҳбарларининг ярмидан кўпи “пахта иши” бўйича қамоқларда бўлиб, қолганлари тергов бериш билан оворай сарсон эди.

Эртанги кунга умиди сўнган, рухий тушкунликка тушган, номигагина ўз вазифасини бажариб юрган хўжалик раҳбарларининг кўнглини тоғдек кўтариб, ҳеч нарсадан кўрқмай ишлашни, ишлаганда ҳам элим деб, юртим деб ёниб меҳнат қилишни бундан ўтгиз йил аввал бизларнинг онгимизга кўрғошиндек қуйгандилар. Ислом ака ишни раҳбарлардан тортиб оддий деҳқонгача – барчанинг руҳини кўтариш, эзилган қалбларга малҳам бўлишдан бошлади.

Ўшаларнинг бири – менинг ўзим ҳам ҳали хўжалик раиси бўлганимга етти ой тўлмасдан бу вазифанинг азоб-уқубати жон-жонимдан ўтиб, ҳар хил кўргуликлар ботқоғига ботиб бораётган эдим. Ҳақиқат шуки, вилоятда кадрлар қўнимсизлиги энг авжига чиққан даврлар эди ўшанда.

1986 йил – Қашқадарё вилояти учун, айниқса, лалмикор Чироқчи тумани учун жуда офир, қурғоқчилик йил келди. Тумандаги 85 минг гектар лалми ғалладан на дон, на сомон олишнинг имкони бўлди. Ғалла комбайн ўроғига илашмагач, барча ерларга мол ва қўйларни қўйиб юборишдан бошқа чора қолмади. Хўжалик раҳбарлари четдан сомон сотиб олиб, чорвани офир қишловдан бир амаллаб олиб чиқдилар.

1987 йилнинг дастлабки ойлариданоқ Ислом Абдуғаниевичнинг пойқадами Қашқадарёга беқиёс қут-барака олиб келди. Қашқадарё воҳасига яқин йилларда юз бермаган тўкин-сочинликни ато этди. Натижада халқнинг ҳам, хўжалик раҳбарларининг ҳам қалби ёруғлик ва қувончга тўлди.

Одамлар шу пайтгача ҳеч кимнинг хаёлига келмаган янгиликлардан гапира бошлади. Вилоят аҳлининг янги раҳбарга бўлган меҳри, ҳурмати ортиб бораверди.

Ислом ака одатда эрталаб соат 6 дан кеч соат 8 гача дала айланар, оддий одамлар билан самимий суҳбатлашар эди. Мактаб-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1534> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1534> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1534>